

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**  
№ MO2-105  
2019йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2019 йил “2” иёл даги  
1023-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**“ЭЛЕКТРОНИКА ВА АСБОБСОЗЛИК” (тармоклар бўйича)**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

**Тошкент – 2019**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва  
ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий  
бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2019 йил 18-октёбрь даги 5 -сонли баённомаси билан  
маъкулланган.*

Тузувчилар:

“Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш  
босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф.  
И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ф.ф.д., проф.  
М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.

“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг  
норматив-хукуқий хужжатлари” модули: ю.ф.н., доц.  
В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А. Раҳмонов.

“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш”  
модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева,  
п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов,  
А.Тураев.

“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий,  
касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” модули:  
п.ф.д., проф. Ф. Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д.  
(PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чорисев,  
А.Хошимов, Ф.Отамуродов.

“Амалий хорижий тилини ўрганишнинг интенсив усуллари”  
модули: ўқитувчилар Ф.Бойсиева, Н.Джабборова,  
Ш.Файзулаева, У.Гиясова.

“Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор  
қабул қилишининг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д.,  
проф. А.Юлдашев, пс.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.  
Маҳсус фанлар бўйича: т.ф.д., проф., С.Абдурахимов,  
ф.-м.ф.н., доц. А.Х.Хайдаров, т.ф.н.доц., А.Мавлянов, катта  
 ўқитувчилар Г.А.Джаналиева, М.Қадиров.

Такризчилар:

Хорижий эксперт: Изобелла Пютц (Германия)

ТДТУ “Электроника ва автоматика” факультети  
профессори, ф.-м.ф.д., Б.Э.Эгамбердиев

Ўқув дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашининг қарори билан тасдиқка  
тавсия килинган (2019 йил \_\_\_\_\_ даги -сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланганустувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамдаинновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдекамалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълимсоҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ваўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизидаилмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишининг замонавий шаклларини қўллашбўйича тегишли билим, кўникма, малакава компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака

ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

**I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

**II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Мутахассислик фанларини ўқитишида инновацион ёндашув.

**III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогикаасослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Техника соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари.

**IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

**V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари.

**VI. Махсус фанлар**

6.1. Электрон аппаратларни ишлаб чиқариш технологияси.

6.2. Квант-механик моделлаштириш ва ҳисоблаш усуллари.

**VII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади вавазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**Курснинг вазифаларига** қўйидагилар киради:

-“**Электроника ва асбобсозлик**”йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновационфаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“**Электроника ва асбобсозлик**”йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

## **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- электрон қурилмаларни ишлаб чиқишининг асосий тамойилларини ва босқичларини;

- микроконтроллерларнинг асосий параметрларини;
- квант-механик ҳисоблаш ва моделлаштириш пакети таснифини;
- наноматериалларда физик жараёнларни ҳисоблаш усулларини;
- электрон ва акустик спектрларни ҳисоблаш усулларини;
- наноулчамли материаллардан электрон энергетик сатхларни ҳисоблаш усулларини;
- квант-механик усул билан олинган курсаткичларни эмпирик тажриба натижалари билан мувофикаштириш усулларини;
- квант-механик моделлаштириш пакетининг ab-init, semiempiric, molecular dynamics усулларини атрофлича ўрганиш ва уларнинг афзаликларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- “Ultiboard” дастурида печат платаларини тайёрлаш;
- компьютерни моделлаштириш усулидан фойдаланиш;
- “Начало Электроника”, “Multisim” ва “Crocodile Technology” асосида модулларни ўрганиш;
- замонавий квант-механик ҳисоблаш пакетларида наноулчамли материалларни геометрик параметрларини белгилаш;
- асосий тебранувчи модаларини аниқлаш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- электрон қурилмаларни тахлил қилиш;
- “Начало Электроника”, “Multisim”, Crocodile Technology” ва “Flowcode” дастурларини моделлаштириш;
- “MikroC PRO for PIC” моделлаштириш дастурларни яратиш.
- “Proteus ARES Professional” дастурида печат платаларини тайёрлаш;
- наноулчамли материаллардан электрон энергетик сатхларни ҳисоблаш;
- квант-механик моделлаштириш пакетини ab-init, semiempiric, molecular dynamics усулларидан фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- “MikroC PRO” “Proteus” дастурларини ўқув жараёнида қўллаш;
- дастурларда турли қийинликдаги схемалар йиғиш ва моделлаштириш;
- квант-механик моделлаштириш пакетининг ab-init, semiempiric, molecular dynamics усулларини қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**“ЭЛЕКТРОНИКА ВА АСБОБСОЗЛИК”  
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА  
ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

**I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристири. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқа хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила,

маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-ҳуқуқий хужжатлари.**

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмuni. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараёнида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонунисти ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини

режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий хужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **II. ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

### **2.2. Мутахассислик фанларини ўқитишида инновацион ёндашув.**

Мутахассислик фанларнинг ўзига хосликлари. Мутахассислик фанларини ўқитиши жараёни яхлит тизим сифатида. Мутахассислик фанларини ўқитиши қонуниятлари ва тамойиллари.

Мутахассислик фанларини ўқитишда таълимметод, шакл ва воситалар. Мутахассислик фан ўқитувчисининг ўкув машғулотларини ташкил этишга инновацион ёндашув. Мутахассислик фанларини ўқитишда таълим жараёнига интерфаол методларни татбиқ этиш.

Мутахассислик фани ўқитувчисининг ўкув-методик хужжатлари. Мутахассислик фани бўйича ўкув-дидактик материаллар тайёрлаш.

### **III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булатли технологиилар. Google булатли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурлар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.)дан фойдаланиб мультимедиали ўкув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

#### **3.2. Техника соҳасида ахборот коммуникация технологиялари**

Техника соҳасида қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологияларининг ўзига хос имкониятлари. Техника соҳасида қўлланиладиган автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари.

Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари ҳақида умумий тушунчалар. CAD/CAM/CAE тизимлари ва уларни ташкил этувчилари. CAD/CAM/CAE тизимларини амалга оширувчи амалий дастурларнинг имкониятлари. Техника соҳаси бўйича курс лойиҳа ишларини бажаришда қўлланиладиган CAD/CAM/CAE тизимлари.

Техника соҳасида CATIA, SolidWorks, Pro/ENGINEER дастурларини қўллаш усуслари. Техника соҳасида Autodesk 3ds Max, MathCAD, Matlab/Simulink, GAUSS, SimPowerSystem дастурларида моделлаштириш ва

олинган маълумотларни таҳил қилиш. Берилган маълумотлар асосида визуаллаштириш. Функцияларнинг икки ва уч ўлчовли графикларини ҳосил қилиш.

Техника соҳа фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар билан танишиш ва ўрганиш мақсадида Интернет технологияларидан фойдаланиш.

Техника соҳасида амалга оширилган янги технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун хорижий онлайн курслардан фойдаланиш. Star, VirtualLab, Algadoo виртуал лабораторияларидан фойдаланиш

#### **4.1.Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундаликва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

### **V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

#### **5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмuni ва уларни ўқитишидаги изчилилк асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва

магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

## **5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари.**

Тизим элементларининг ўзаро боғлиқлигини ва бирлигини баҳолаш. Тизим жараёнларида амалга ошириладиган ҳодиса ва реакцияларнинг математик моделларини яратиш. Аналитик ва статистик математик моделларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш.

Техник тизимларда оптималлаштириш масалаларини ҳал қилиш. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишда техниканинг ютуқлари ва камчиликлари. Техникада самарадорликни оширишда тизимли таҳлилнинг аҳамияти.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Электрон аппаратларни ишлаб чиқариш технологияси.**

Электрон қурилмаларни ишлаб чиқишининг асосий тамойиллари ва босқичлари. Микроконтроллерларнинг асосий параметрлари ва уларнинг хусусиятлари.

Замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш: “Начало Электроника”, “Multisim”, Crocodile Technology” ва “Flowcode” моделлаштириш дастури. Дастурларда турли қийинликдаги схемалар йиғиш ва моделлаштириш. “Ultiboard” дастурида печат платаларини тайёрлаш

“Proteus ISIS Professional” моделлаштириш дастури. “Proteus ARES Professional” дастурида печат платаларини тайёрлаш.

“MikroC PRO for PIC” моделлаштириш дастури. Дастурда турли қийинликдаги дастурларни яратиш.

## **6.2.Квант-механик моделлаштириш ва ҳисоблаш усуллари.**

Квант-механик ҳисоблаш ва моделлаштириш пакетини таснифи. Наноматериалларда физик жараёнларни ҳисоблаш усуллари. Замонавий квант-механик ҳисоблаш пакетларида наноулчамли материалларни геометрик параметрларини белгилаш.

Геометрик шаклни энергетик нұқтаи назаридан оптималлаштириш. Электрон ва акустик спектрларни ҳисоблаш усуллари.

Наноулчамли материаллардан электрон энергетик сатхларни ҳисоблаш усуллари. Асосий тебранувчи модаларини анықлаш.

Квант-механик усул билан олинган курсаткичларни эмпирик тажриба натижалари билан мувофиқлаштириш усуллари. Квант-механик моделлаштириш пакетининг ab-init, semiempiric, molecular dynamics усулларини атрофлича ўрганиш.

## **VII. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирив ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича**

#### **кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака оширишқуидаги шаклларни ўз ичига олади: очиқ ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талabalар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик

қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. МирзиёевШ.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. МирзиёевШ.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил12июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдантакомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, -2016.–279 б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. /под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012. –319 с.
24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. -Т.: Aloqachi. 2017. - 256 с.
25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкива Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.
26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun. 2015. - 134 pp.
27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
29. English for academics.Cambridge University Press and British Council Russia, - 2014. Book 1,2.
30. KarimovaV.A.,Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh.Tizimli tahlil asoslari.— Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014.–192b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Т: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572 b.
32. Беневоленский С. Марченко А. Л.. Освальд С. Б. Компьютерный лабораторный практикум по электротехнике (к средах ElectronicsWorkbench и Multisim Я). — М.: МАГИ. 2016. -170 с.
- 33.Н.Заец.Радиолюбительские конструкции на Р1С-микроконтролле-рах. Книга 3. - М.: СОЛОН-Пресс, -2016.
34. А.Долгий. Разработка и отладка устройств на микроконтроллерах. - Радио, 2001. № 5-12, 2017.
35. В.Гололобов. Микроконтроллер в программе FlowCode (Windows) Книга 1, - 2017.
36. Г. Шишкин, Д. Николаев Селекторы цифровых команд. Часть1 - 2015.
37. Г. Шишкин, Д. Николаев Селекторы цифровых команд.Часть2 2017.
38. Дж.А.Попл. Квантово-химические модели. Успехи Физических Наук, -Т.: - №3, -2002. С. 349-356б.

39. Т. Кларк. Компьютерная химия. - М.: Мир, 2010. -382с.
40. Цирельсон В.Г., Бобров М.Ф., Апостолова Е.С., Михайлук А.И. Лекции по квантовой химии. РХТУ, -2012. 350 с.
41. В.И. Минкин, Б.Я. Симкин, Р.М. Миняев. Теория строения молекул. Ростов-на-Дону "Феникс", 2014, 407 с .
42. Абаренков И.В. Начала квантовой химии, -2016. -304 с.
43. Сборник программ расчета спектральных и квантовохимических параметров молекул. ДСП, 2017. -53 с.
44. Ball G. H., Hall J. P., ISODATA: A Novel Method of Data Analysis and Pattern Classification, NTIS Report AD699616, - 2013.
45. Ball G. H., Hall J. P., ISODATA, An Iterative Method of Multivariate Analysis and Pattern Classification, Proceedings of the IFIPS Congress, -2015.

#### **IV. Интернет сайлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
3. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
4. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI:  
[www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossary.uz](http://www.glossary.uz)
5. Infocom.uzэлектрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://elektron.ucoz.ru/publ/8-1-0-70>
7. [www.ni.com/ms.sia](http://www.ni.com/ms.sia). Multistat<sup>TM</sup>. UserGuide.
8. [www.ni.com/nissia](http://www.ni.com/nissia). Multisim<sup>TM</sup>. Component Reference Guide
9. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
10. <http://www.gaussian.com/>

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни кайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош иммигуметодик маркази  
Директори Ф.Т.Эсонбобоев

С.Г.Шоймардонов

2019 й.



Тоғикент давлат техника университети  
Ректор С.М.Турабджанов

2019 й.



Тоғикент давлат техника университети  
худурулани педагог кадрларни кайта  
тасирланти ва уларнинг малакасини  
оширишни ташмоқ маркази

Директори А.М.Искендеров

А.М.Искендеров

2019 й.



**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
оширишини ташкил этиш хамда  
мувофикалаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиги Ф.Т.Эсонбобоев

“ ” 2019 й.

М.У.

